«ТАСДИҚЛАЙМАН"
Амударё тумани МТБ мудири
_____________ С.Садикова
"24" _____август_____ 2022 йил

# Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

# ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Манғит шахри 2022 йил

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

1. **Танлов иштирокчилари учун йўрикнома**
2. **Техник кисм**
3. **Нархлар кесими**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Амударё тумани Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 18-сонли Мактабгача таълим ташкилотини Жорий таъмирлаш.

1.2 Танловнинг юкори киймати **194 174 610 (Бир юз тўксон тўрт миллион бир юз етмиш тўрт минг олти юз ўн)** сўм. Ушбу қийматдан ортиқ кийматдаги таклифлар кабул қилинмайди ва кўриб чикилмайди.

1.3 Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чикган бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4 Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича

1.5 Ишларни бажариш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 Амударё тумани МТБ (бундан кейин - "Буюрмачи" деб аталади) – танлов ташкилотчиси хисобланади.

"Буюрмачи" манзили Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани Манғит шахри Олмазор МФЙ Баркамол Авлод шох кўчаси 23 уй Амударё МТБ.

2.2 Танлов "Буюрмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, иш тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирокэтиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади: танлов айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган мехнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

3.3 Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муамола хуқукий лаёқат ва ваколатлар;

Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мажудлиги;

Иловада кўрсатилган молиявий кўрсаткичларни тақдим этиш; (Махсулот етказиб берувчи тўғрисида маълумот. excel формати кўринишида)

Низом маблағ миқдори.

3.4 Агар танлов предмети бўлган товар, (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириш зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.5 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиши (ажратилиши, қўшилиши), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар, мол-мулки мусодара қилинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюрмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов хужжатларида қуйидаилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюрмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак:
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа шунга боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши лозим:

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни электрон холда тақдим қилиниши лозим.

4.3 Қйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар.

Техник хужжатлар рўйхати (солиқдан қарзи йўқлиги тўрисида маълумотнома, банкдан айланма маблағлар мавжудлиги тўғрисида маълумотнома, малака талаби техник ресурслар мавжудлиги хақида, мазкур объектни бориб кўриб танишганлиги тўғрисида маълумотнома (МТТ маъмурияти томонидан тасдиклаган хужжатлар рўйхати илова қилинади) ортикча хужжатлар жойлаштириш шарт эмас.

4.4 Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларни хақиқийлиги ва хакқонийлигига тўлиқ жавобгар хисобланади;

## 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1 Харид комиссяси танлов учун таклифларни қабул қииш муддатини барча иштирокчилар учун тааълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 (беш) календар кунга узайтирилиши мумкин.

5.2 Таклифлар муддатини узайтириш фақат харид комиссиясининг йиғилиш қарори билан амалга оширилади.

5.3 Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсу ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва қарор қабул қилишга жавобгар.

6.2 Танлов иштирокчиси тақдим этиладиган барча хужжатларининг ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар. Ғолиб иштирокчи деб топилган ташкилот қонунчиликда белгиланган тартибда "буюртмачи" билан шартнома тузиш жавобгарлиги юклатилган.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1 Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга хакли. Товар (иш, хизмат)ни ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритлган санадан этиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисида ўзгартиришлар киритилади.

7.2 танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қойидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белиглан шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюрмачисига сўров юборишга хакли. Сўров келиб тушган санадан бошлаб икки иш куни ичида давлат буюрмачисига, агар мазкур сўров давлат буюрмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қойидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-мохиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

«ТАСДИҚЛАЙМАН"
Амударё тумани МТБ мудири
_______________С.Садикова
"24" Август 2022 йил

Амударё тумани Мактабгача таълим бўлими
## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

| № | Асосий маълумотлар | Бажарувчи |
|---|---|---|
| 1 | Объект номи | Амударё МТБга қарашли 18-МТТ |
| 2 | Буюртмачи | Амдарё МТБ |
| 3 | Буюртма учун асос | Амударё МТБга қарашли 18-ММТни жорий таъмирлаш |
| 4 | Объектнинг жойлашган ўрни | Амударё тумани Тор ёп ОФЙ |
| 5 | Қатнашувчилар учун талаблар | Жорий таъмирлаш ишларини амалга оширувчи ташкилот иш тажрибасига эга бўлган хамда ишни сифатли бажариш имконияти мавжуд бўлиши лозим. Иш бажарувчи смета харажатларини ўз зиммасига олади. Молиявий кўрсаткичлар тахлили инобатга олинади. Бажарувчи томонидан назорат ўлчовидан ўтказиш ишлари ташкил қилинади. |
| 6 | Тижорат таклифларни тақдим этиш шартлари | etender.uzex.uz порталидан электрон жунатилади ва Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувохнома хам жунатилиши керак. |
| 7 | Бажарилган ишлари хисоб-китоби | Белгиланган талаблар асосида энг яхши таклиф тақдим қилиниб шартнома туман ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказилганидан сўнг олдиндан шартнома жами суммасининг 30% миқдори тўлаб берилади. Шартномада кўрсатилган иш, хизматлар тўлик амалга оширилгандан сўнг колган 70% маблағ тегишли тартибда ўтказиб берилади. Бажарилган ишлар учун форма 2, форма 3 хамда назорат ўлчов далолатномасига асосан тўловлар амалга оширилади. |
| 8 | Ишни бажариш муддати | Шартномада кўрсатилган муддатда |
| 9 | Техника хавфсизлиги бўйича талаблар | Иш, хизматларни бажариш даврида техника хавфсизлиги қоидаларига тўлик риоя килиниши шарт. |
| 10 | Молиялаштириш манбаи | Амударё тумани МТБ Марказлишган бухгалтерия хизмати томонидан харажатлар сметаси бўйича |